

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОПАЕВА РАЙГУЛ АЙМАНОВНА

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ ҚЎШМА ОТЛАРНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Опаева Райгул Аймановна

Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги қўшма отларнинг лингвистик таҳлили3

Опаева Райгул Аймановна

Лингвистический анализ сложных существительных в современном
каракалпакском языке24

Ораева Раугул Аумановна

Linguistic analysis of compound nouns in modern Karakalpak language47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОПАЕВА РАЙГУЛ АЙМАНОВНА

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ ҚЎШМА ОТЛАРНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияен мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/F0812 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштрилган.

Илмий раҳбар:

Қудайбергенов Мамбетқарим Сарсенбаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дусимов Зарифбой
филология фанлари доктори, профессор

Нижомов Пердебай Айманович
филология фанлари доктори

Ётақчи муассаса:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети


Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc/PhD 03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 17 » март кунги сессиясида бўлиб ўтди (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz)


Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (25 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » март кунги тарқатилди.
(2021 йил « 6 » март даги 7 рақамли реестр баёномаси).




Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
аъзоси, филол.ф.д. (DSc)


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
хотинидаги илмий ётақчи
раиси в.б., филол.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ҳар қандай миллатнинг маданий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиётга, инновацион ғоялар натижасига интилишидаги янгиликлар, ўзгаришлар натижасида янгидан пайдо бўлган лексик бирликлар миллий тилнинг луғат таркибида ўз аксини топади ва шу жараёнда янги сўзларнинг луғат таркибини янада такомиллаштириш ва бойитишдаги ролини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида ҳар қандай тилнинг кенг ички имкониятларини ойдинлаштирадиган жиҳатлардан бири ҳисобланган сўз ясалиш жараёнида кўшма сўзларнинг ясалиши, тилнинг грамматик сатҳида бундай гуруҳга оид сўзларни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек тадқиқот натижаларини илмий йўналишларда фойдаланиш бўйича тажрибалар шаклланган. Кўшма сўзларнинг ясалиш услубларини қардош туркий тиллар билан қиёслаб, кўшма сўзларнинг ҳосил бўлиш объектларини аниқлаш, кўшма сўзлар таркиби ва турларини тарихий ва замонавий аспектларда ўрганиш кун тартибидаги масалалар сифатида қўйилган. Кўшма сўзларни тарихий-лингвистик тадқиқ қилиш қорақалпоқ тилини, хусусан сўз ясалиш тизимини махсус ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий мамлакат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий мақсад этиб белгиланди. Шу боис, «Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига бўлган ҳурмат ва садоқатни она Ватанга бўлган ҳурмат ва садоқат деб билишимиз, шундай дунёқарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак»¹. Бу эзгу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юртимизда маънавий маданиятни ўзида сақловчи, уни авлоддан авлодга етказиб берувчи она тилимизни софлигича асраш, унинг ижтимоий вазифасини кенгайтиришга доир бир қанча ишлар ўз тасдиғини топди. Бугунги кунда қорақалпоқ тилшунослиги, айниқса, сўз ясалиши соҳаси олдига янги тадқиқотларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Жумладан, кўшма сўзларнинг ясалиш усуллари ва қолипларини тадқиқ этиш шу каби вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли / Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил 22 октябрь. - № 218 (7448).

таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ва ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида кўшма сўзлар шу кунгача қатор олимлар томонидан ўрганилган². Туркий тиллардаги кўшма сўзлар масаласи В.М.Насилов, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов, Л.Ж.Жабелова, Н.А.Баскаков, Ф.Ганиев, А.Адилов, Ж.Ш.Шукуров, Р.Бердиев, А.Ҳожиев, Б.Мадалиев, Н.Маматовлар³нинг илмий изланишларида бир қатор жиҳатлардан тадқиқ этилган. Кейинги даврларда кўшма сўзлар масалалари хорижий олимлардан Н.А.Шток, Е.А.Дожиқова, Н.В.Аркадьевалар⁴ томонидан ўрганилган. Қорақалпоқ тилшунослигида кўшма сўзлар ҳақида маълумотлар А.Қыдырбаев, А.Нажимов, А.Бекбергенов ва Қ.Бекбергеновларнинг⁵ ишларида кўзга ташланади.

² Гиганов И. Грамматика татарского языка. – Казань, 1801; Казембек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. – Казань, 1846; Катанов Н. Опыт исследования урянхайского языка. – СПб., 1903.

³ Насилов В.М. Грамматика уйгурского языка. – Москва, 1940; Дмитриев Н.К. О парных словосочетаниях в башкирском языке. – Москва, 1962. – 152 с.; Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. – М.-Л., 1956; Жабелова Л.Ж. Сложные имена существительные в современном карачаево-балкарском языке. – Нальчик: Эльбрус, 1986. – 110 с.; Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. – Москва, 1979; Ўша муаллиф: Каракалпакский язык (части речи и словообразование): Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Москва, 1950; Ўша муаллиф: Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология (части речи и словообразования). – Москва, 1952. – Ч. I.; Ўша муаллиф: Каракалпакский язык. III. Морфология. Словоизменение. Синтаксис. Словосочетание и предложение. – Нукус: Билим, 1995; Ганиев Ф.А. Образование сложных слов в татарском языке. – Москва, 1982; Адилов М.И. Сложные слова в современном азербайджанском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1958; Шукуров Ж. Қырғыз тилиндеги татаал сөздөр. – Фрунзе, 1956; Бердыев Р. Сложные слова в современном туркменском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1955; Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент, 2007; Ўша муаллиф: Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент, 2007; Мадалиев Б. Сложные слова в современном узбекском языке: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1956; Ўша муаллиф: Ўзбек тилида таркибли сўзлар// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. - № 4. – Б. 44-47; Ўша муаллиф: Ҳозирги ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Тошкент, 1966; Маматов Н. Ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1982.

⁴ Шток Н.А. Когнитивные механизмы формирования новых сложных существительных в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2008; Дожиқова Е.А. Развитие метафорических значений сложных существительных в английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984; Аркадьева Н.В. Сложные слова со вторым компонентом-отглагольным существительным в немецком и английском языках и их соответствия в русском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2004.

⁵ Қыдырбаев А. Ҳозирги карақалпақ тилиндеги атлық сөзлер. – Нөкис, 1961; Бекбергенов А. Карақалпақ тилинде қысқарған қоспа сөзлер// Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. – Нукус, 1975. - № 1. – Б. 68-73; Ўша муаллиф: Карақалпақ тилинде сөзлердиң жасалыўы. – Нөкис, 1979; Нажимов А. Карақалпақ тилинде жуп хәм тәкирар сөзлер.– Нөкис, 1979; Ўша муаллиф: Способы образование парных и парно-повторных слов в каракалпакском языке: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Нукус, 1971; Ўша муаллиф: Ҳозирги карақалпақ тилиндеги тәкирар сөзлер// Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. – Нукус,

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Нукус давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ҳозирги қорақалпоқ тилининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги қорақалпоқ тилида қўшма отларнинг лингвистик моҳиятини аниқлаш, уларнинг тузилмавий-семантик, функционал, номинатив ва когнитив хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги қорақалпоқ тилидаги қўшма отларни семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш;

ажратиб ва қўшиб ёзиладиган қўшма отлар, шунингдек, жуфт ва такрорий отларнинг ўзига хос семантик хусусиятларини очиб бериш;

қисқартма отларнинг пайдо бўлиш сабабларини кўрсатиш ва қўшма отлар имлоси масаласини барқарорлаштириш;

қорақалпоқ тилида қўшма отларнинг таркибий тузилиши ва семантикасини очиб бериш;

қўшма отларда янги сўз ясалиш жараёнида юзага келадиган сўз қўшилиш хусусиятларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ оғзаки ижоди, ҳозирги қорақалпоқ ёзувчи ва шоирлари асарларида, матбуот саҳифаларида, луғатларда ва илмий адабиётларда қўлланилган қўшма отлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги қорақалпоқ тилидаги қўшма отлар, қўшиб ёзиладиган ва ажратиб ёзиладиган қўшма отларнинг сўз туркумларига муносабати, жуфт ва такрорий отлар, қисқартма отларнинг турлари, грамматик структураси билан боғлиқ ўзгаришлар ва морфологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда синхрон, семантик-структур, компонентли таҳлил, тавсифий, баён қилиш ва фикрни умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилидаги қўшма отларнинг тузилмавий-семантик ва функционал хусусиятлари тилшуносликда шаклланган янги илмий-назарий қарашлар негизида аниқланган;

қўшма отларнинг лингвистик табиати сўз бирикмалари ва турғун сўз бирикмаларидан фарқли равишда очиб берилган;

мураккаб, жуфт ва такрорий отларнинг функционал моҳияти ёритилган ҳамда қисқартма отларнинг тузилмавий-семантик турлари ва шакллари, деривацион хусусиятлари, грамматик структураси билан боғлиқ умумий ва фарқли томонлари ойдинлаштирилган;

композицион усул билан ясалган кўшма отларнинг лингвистик моҳияти ва тамойиллари очиб берилган ҳамда унинг тил луғат таркибини бойитишдаги ўрни ҳамда аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўшма отларнинг адабий тил таркибидаги ўрни, бажарадиган вазифаси аниқланган;

кўшма отларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, матбуот саҳифаларида, шунингдек, расмий ҳужжатларда қўлланилиши илмий далилланган;

тадқиқот материалларининг қорақалпоқ тилшунослигида сўз ясаиш бўйича янги дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштиришдаги аҳамияти асосланган;

сўнги пайтларда отларнинг ёзилишидаги ҳар хиллик, чалкашликларнинг сабаблари аниқланган, имлодаги хилма хиллик муаммоларини бартараф этиш учун тегишли тавсиялар берилган;

кўшиб ва ажратиб ёзиладиган кўшма отларнинг сўз туркумларига муносабати, жуфт ва такрорий отларнинг композицион усулда янги сўз ясаиш жараёнида юзага келадиган морфологик ҳодисалар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва чиқарилган хулосалар тавсифий, баён қилиш, компонент таҳлил методларига асосланганлиги, берилган фикр ва тавсияларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда қорақалпоқ тилининг сўз ясаиш тизимида кўшма отлар ҳақидаги илмий қарашлар назарий жиҳатдан ривожлантирилган ва келгусида мазкур йўналишдаги изланишлар учун муҳим манба вазифасини бажаради, шунингдек, эришилган натижа ва хулосалар қорақалпоқ тили сўз ясаишига доир монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда назарий асос ва манба хизматини бажаради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишнинг натижалари ва умумлаштирилган хулосаларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида кўшма отлар бўйича махсус курсларни ўқитишда, адабий тил меъёрларини белгилашда, тилимизда янги пайдо бўлаётган кўшма отларнинг муайян имло қоидаларига мос ёзилиб, ёзувда бир хилликнинг сақланишига эришишда, қорақалпоқ тили луғат таркибининг бойиб бориши, ривожланиш йўллари, эволюциясини аниқлашда, орфографик луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги қорақалпоқ тилида кўшма отларнинг лингвистик таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

қўшма отларнинг ясалиши, структур-семантик усуллари бўйича олинган илмий-назарий умумлашмалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 3 декабрдаги 262/1-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирги қорақалпоқ тилидаги қўшма отларнинг грамматик хусусиятларини ўрганишда диссертациядаги назарий хулосалар ва амалий тавсиялар асосий манба хизматини бажарган;

қўшма отларнинг матбуот саҳифаларида, ижтимоий-сиёсий адабиётларда, қонун ва расмий ҳужжатларда ёзилиши масаласига доир материаллардан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Тилга эътибор – элга эътибор», «Мерос», «Хайрли тонг» эшиттиришлари ва «Ассалом, Қорақалпоғистон!» телекўрсатувларини тайёрлашда қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 декабрдаги 01-02/273-сон маълумотномаси). Натижада кенг жамоатчиликнинг нутқ жараёнида қўшма отларни қўллаш меъёрлари ва самарадорлиги бўйича билимларини бойитишга эришилган, шунингдек, қорақалпоқ миллий адабий тилининг ички ривожланиш тамойилларига оид назарий маълумотлар оммалаштирилган;

қорақалпоқ тилидаги қўшма отлар, уларнинг семантикаси ва грамматик тузилишига оид хулосалардан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» Қонун ижросини таъминлаш борасида расмий ҳужжатларни адабий тил меъёрларига мос равишда юритишда фойдаланилган (Нукус шаҳар ҳокимлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 01-04/412-сонли маълумотномаси). Олинган натижалардан қўшма отларнинг имло хатоларисиз тўғри ёзилиши, ҳужжатларнинг адабий тил нормаларига мувофиқ олиб борилиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий конференцияда, шундан 2 халқаро ва 8 республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзусига доир жами 18 илмий иш эълон қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп қилиш тавсия этилган нашрларда 8 мақола, шундан 5 мақола республика, 3 мақола хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланиб, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга татбиқ қилиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қўшма отлар сўз ясалишининг бир тури сифатида**» деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми «**Туркий тилларда қўшма сўзлар тадқиқи тарихидан**» деб аталади.

Бу қисмда олимларнинг тилшунослиқда қўшма сўзлар ҳақидаги энг дастлабки илмий мулоҳазалари шарҳланган. И.Гиганов қўшма сўзларнинг турли сўз туркумларидан ясалишини илмий далиллаган⁶. У Сибирь татарлари тилида қўлланилган қўшма сўзлар тўғрисида маълумот беради⁷. Олим қўшма сўзларнинг турли сўз туркумларидан ясалишини таъкидлаб, қуйидаги мисолларни келтирган: *акъюзлэ* - «*белолицый*», *каракашлэ* - «*чернобровый*», *башъсэз* - «*безголовый*», *апъакъ* - «*белохонек*», *хар кимъ* - «*каждый, всякий*», *шиц кимъ* - «*ни кто*» ва бошқалар.

М.А.Казембек⁸ қўшма сўзларни «составли сўзлар» термини билан юритади ва бу термин туркологияга оид адабиётларда жуда кенг фойдаланилган. Одатда, бир тилдан иккинчи тилга сўзларнинг ўтиши, янги ўзлашмалар пайдо бўлишида ҳам сўз ясаш характери мавжуд. Шу боис тилимизда калъка йўли билан ҳосил бўлган жуда кўп қўшма сўзлар бор. Айниқса, таржима орқали кириб келган сўзлар ўша тилнинг сўз ясаш қонунларига бўйсунди. Кўпгина туркий тилларда қўшма сўзларнинг тузилиши, деривацион хусусияти, таснифи, ёзилиш типлари ҳақида бир қанча қарашлар, гипотезаларни учратиш мумкин. Масалан: *таш месджит* - «каменная мечеть», *узун-куль* - «долгорукий», *таш-кесень* - «каменщик», *хальсиз* - «слабый»⁹. М.А.Казембекнинг юқорида келтирилган ишида қўшма сўзларнинг ясалиши тўғрисида анча маълумотлар берилган. Лекин у қўшма сўз ясаш усули туркий тилларга форс тилидан ўтган деган фикрни илгари суради.

Н.Ф.Катанов «Опыт исследования урянхайского языка» (СПб., 1903) номли ишида урянхай (тува) тилидаги қўшма сўзларни морфологик белгиларига кўра тасниф қилган¹⁰.

Туркий тилларда қўшма сўзлар ясалишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Жуфт сўзлар ҳам қўшма сўзларнинг бир тури ҳисобланади Е.И.Убрятова¹¹ ёқут тилидаги жуфт сўзларни тадқиқ қилиши натижасида

⁶ Гиганов И. Грамматика татарского языка. – Казань, 1801. – С. 45.

⁷ Ўша манба. – С. 45.

⁸ Казембек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. – Казань, 1846. – С. 81.

⁹ Казембек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. – Казань, 1846. – С. 81.

¹⁰ Катанов Н. Опыт исследования урянхайского языка. – СПб., 1903. – С. 211.

¹¹ Убрятова.Е.И. Парные слова в якутском языке. – М.-Л., 1948. – С. 301.

илмий хулосларида, умумтуркий тилларда ёзма сўзларнинг жуфтлашиш ва мослашув усулининг мавжуд эканлиги, жуфтлашиш усулида сўз ясашиши умумтуркий тиллар учун, мослашув усули қадимги туркий тиллар учун хос эканлигини кўрсатади.

Профессор Н.К.Дмитриев бошқирд тилидаги жуфт сўзлар ҳақида олиб борган тадқиқот ишида жуфт сўзларни фақат «болалар тили»дагина учрайдиган сўзлар деб ҳисоблаган¹². С.Н.Муратов, Р.Бердиев, Ж.Ш.Шукуровларнинг ишларида кўшма сўзлар деган мавзу билан жуфт сўзлар ҳам берилиб, улар тобе кўшма сўзлар ва тенг кўшма сўзлар деб юритилган¹³. Ш.Раҳматуллаев ва А.Ҳожиёвлар эса кўшма сўз деганда икки сўз ёки бирдан ортиқ сўз эмас, балки бирдан ортиқ негиздан ташкил топган бир сўзни назарда тутди¹⁴.

1930 йиллардан кейинги даврда В.А.Гордлевский, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов, Н.А.Баскаковларнинг ишларида кўшма сўзларга умумий тавсиф берилди.

1950 йиллардан бошлаб баъзи туркий тиллардаги кўшма сўзлар, уларнинг турлари, сўз туркумларига муносабати ва бошқа масалалар бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилди, монографиялар эълон қилинди, бир қанча диссертациялар ҳимоя қилинди¹⁵.

А.Н.Кононов кўшма сўзларнинг бир тури ҳисобланган кўшиб ёзиладиган сўзларни ясашиш қонуниятига кўра уларнинг муайян қолип бўйича ҳосил қилинишини таъкидлайди¹⁶.

1960 йилларда ўзбек тилидаги кўшма сўзлар А.Ҳожиёв¹⁷, Б.Мадалиёв¹⁸ ва Н.Маматовларнинг ишларида¹⁹ махсус тадқиқ қилинди. А.Ҳожиёв²⁰

¹² Дмитриев Н.К. О парных словосочетаниях в башкирском языке // Изв. АН СССР. Сер. VII. – Москва, 1930. № 7.

¹³ Левина Р.И. Сложные прилагательные в современном литературном языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1951; Доновна З.П. Сложные прилагательные в современном русском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1950; Муратов С.Н. Сложные имена в системе башкирского словосложения: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 1955.

¹⁴ Раҳматуллаев А., Ҳожиёв А. Кўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. – Тошкент, 1961.

¹⁵ Жаркешова Г. Слитные слова в современном казахском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1949; Ермеков А. Семантика слитных слов в казахской лексике: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1950; Шукуров Ж. Қырғыз тилиндеги татаал сөздөр. – Фрунзе, 1956; Бердыев Р. 1) Сложные слова в современном туркменском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1955; 2) Ҳазирки заман түркмен дилинде гошма сөзлер. – Ашгабат, 1958; Кайдаров А. Парные слова в современном уйгурском языке. – Алма-Ата, 1959; Адилев М.Н. 1) Сложные слова в современном азербайджанском языке (имя существительное и имя прилагательное): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1958; 2) Система повторов в азербайджанском языке: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Баку, 1968; Аганин Р.А. Повторы и однородные парные сочетания в современном турецком языке. – Москва, 1959; Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. – Москва, 1961; Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963; Мадалиёв Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966; Юлдашев А.А. К характеристике тюркских сложных слов// Вопросы тюркологии. – Баку: Элм, 1971; Егоров В.Г. Словосложение в тюркских языках// Структура и история тюркских языков. – Москва: Наука, 1971; Ганиев Ф.А. Образование сложных слов в татарском языке. – Москва: Наука, 1982; Маматов Н. Ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Тошкент, 1982.

¹⁶ Кононов Н.А. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1956.

¹⁷ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясашиши тизими. – Тошкент, 2007.

¹⁸ Мадалиёв Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Тошкент, 1966.

¹⁹ Маматов Н. Ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1982.

²⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963

қўшма, жуфт ва такрорий сўзларни алоҳида тил бирликлари сифатида ўрганган. Н.Маматов ўзбек тилидаги қўшиб ва ажратиб ёзиладиган сўзлар ҳақида фикр юритган. Бошқа туркий тилларда ҳам қўшма сўзларга оид бир қанча тадқиқотлар мавжуд. Масалан, Ж.Ш.Шукуров қирғиз тилидаги²¹, Р.Бердиев туркман тилидаги²², С.Муратов туркий тиллардаги²³ қўшма сўзлар бўйича ишларини амалга оширган. Бу ишларда қўшма сўзларга турли таърифлар берилган. Масалан, С.Муратов қўшма сўзларга турғун сўз бирикмалари сифатида қарайди. Шунингдек, қўшма сўзларнинг баъзи турлари бўйича ҳам анча тадқиқот ишлари олиб борилган. Масалан, А.Қайдаровнинг²⁴ уйғур тилидаги жуфт сўзларга, Р.Аганиннинг²⁵ турк тилидаги такрорий сўзларга, Ф.А.Ғаниевнинг²⁶ татар тилидаги қўшма сўзлар тузилишига бағишланган ишлари юзага келди.

Кейинги пайтларда кумик тилида²⁷, татар тилида²⁸, тува тилида²⁹ қўшма сўзлар бўйича ишлар амалга оширилди. Ҳозирги қозоқ адабий тилида сўз ясалишини тадқиқ қилган М.Балақаев янги сўз ясалишининг аниқ икки турини кўрсатади: 1) синтетик (қўшимчалар орқали); 2) аналитик (қўшма сўзлар орқали)³⁰. Туркологияда қўшма сўзлар Н.Катанов³¹, Н.К.Дмитриев³², Б.Мадалиев, С.Н.Муратова³³, Р.Бердиев³⁴, Ж.Ш.Шукуров³⁵, Ф.А.Ғаниев³⁶, С.Муратов³⁷, Ш.Раҳматуллаев³⁸, А.Қайдаров³⁹, А.Юлдашев⁴⁰, Г.Жаркешова⁴¹ ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Қўшма сўзлар ҳақида илк қарашлар қорақалпоқ тилшунослигида 1930 йилларда мактаб грамматикаларида қайд этилган. Масалан, Қ.Ерманов ва Ш.Саттаровлар⁴² муаллифлигидаги «Грамматика» дарслигида «Қўшма

²¹ Шукуров Ж.Ш. Қирғиз тилиндеги татаал сөздөр. – Фрунзе, 1955.

²² Бердыев Р. Сложные слова в современном туркменском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1955.

²³ Муратов С. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. – Москва, 1961.

²⁴ Қайдаров А. Парные слова в современном уйгурском языке. – Алмата, 1958.

²⁵ Аганин Р.А. Повторы и однородные парные сочетания в современном турецком языке. – Москва, 1959.

²⁶ Ганиев Ф.А. Образование сложных слов в татарском языке. – Москва, 1982.

²⁷ Абдуллаева А.А. Система повторов в кумыкском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 1999.

²⁸ Тагирова Ф.И. Сложные слова в современном татарском языке: проблемы лексикографирования и орфографирования: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 2004.

²⁹ Онлар Н.М. Парные слова в тувинском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Кызыл, 2004.

³⁰ Балақаев М. Қазақ әдеби тілі. – Алма-ата, 1987. – Б. 193.

³¹ Катанов.Н. Опыт исследования урянхайского языка. – СПб, 1903, - С. 211.

³² Дмитриев Н.К. О парных словосочетаниях в башкирском языке. – М.-Л., 1930. - № 7.

³³ Муратов С.Н. Сложные имена в системе башкирского словосложения: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1955.

³⁴ Бердыев Р. Сложные слова в современном туркменском языке: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Москва, 1955.

³⁵ Шукуров Ж.Ш. Қирғиз тилиндеги татаал сөздөр. – Фрунзе, 1956.

³⁶ Ганиев Ф.А. Образование сложных слов в татарском языке. – Москва: Наука, 1982.

³⁷ Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. – Москва, 1961.

³⁸ Раҳматуллаев Ш., Ҳожиёв А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. – Тошкент, 1961. – Б. 6.

³⁹ Қайдаров А. Парные слова в современном уйгурском языке. – Алма-Ата, 1959.

⁴⁰ Юлдашев А.А. К характеристике тюркских сложных слов// Вопросы тюркологии. – Баку: Элм, 1971.

⁴¹ Жаркешова Г. Слитные слова в современном казахском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1949.

⁴² Ерманов Қ., Саттаров Ш. Грамматика. Морфология. – Москва, 1936.

сўзларга икки ёки иккидан ортиқ асосдан ясалиб, биргина тушунчани англатувчи сўзлар» деб таъриф беради.

Н.А.Баскаков⁴³ «Қарақалпақский язык» номли академик асарида қўшма сўзларнинг синтактик усулда ясалишини, унинг составли сўзлар (ажратиб ва қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар) ва қўшма сўзлар (жуфт ва такрорий сўзлар) деб бўлишини қайд этади.

Қорақалпоқ тилидаги қўшма сўзлар А.Бекбергенов⁴⁴, А.Нажимов⁴⁵, Қ.Бекбергеновлар⁴⁶ томонидан махсус тадқиқ қилинди.

Асосан, қўшма сўз термини умумлаштирувчи ном сифатида қўлланилиб, бу термин функциясида ҳар хиллик кузатилади. Қўшма сўзларнинг характерли белгиларидан бири – бу ҳозирги қорақалпоқ адабий тилида фан, техника, жамият ривожланиши билан янги қўшма сўзлар пайдо бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, тилнинг узлуксизлиги, ижтимоий ҳодиса эканлиги, барқарорлиги билан боғлиқ.

Биринчи бобнинг иккинчи қисми «**Ҳозирги қорақалпоқ тилида қўшма отларнинг ясалиш усуллари**» деб номланади.

Бизга маълумки, қорақалпоқ тилида қўшма отларнинг пайдо бўлиши 1920 йиллардан кейинги даврдаги қорақалпоқ халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ.

Тил бирликларининг морфологик тузилиши бошқа соҳаларга нисбатан анча барқарор, кам ўзгаришга учрайди. Лекин хоҳлаган тилнинг тарихий ривожланишида вақт ўтиши билан ўзгаришлар бўлиши мумкин. Баъзи грамматик шаклларнинг қўлланилиш доираси торайиб, эскирган кўрсаткичларга айланади, баъзилари ҳатто истеъмолдан чиқиб кетади. Айрим морфологик элементлар олдингисига нисбатан маълум сабабларга кўра фаол қўллана бошлайди. Унга тилнинг ижтимоий вазифасининг кенгайиши, ички грамматик қурилишидаги ўзгаришлар, шунингдек, тилнинг бошқа тиллар билан деривацион муносабати, унга бошқа тиллар таъсири ҳам сабабчи бўлади.

Ишда ҳозирги қорақалпоқ тилида қўшма отларнинг ҳосил бўлиш сабаблари асосий тўрт ҳолат билан боғланади.

1. Ижтимоий ҳаётда янги мураккаб тушунчалар, ҳодисаларнинг пайдо бўлиши: *Нөкис районлар аралық нуқаралық суды, исеним қутылары, исеним телефонлары.*

2. Бир сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган қўшма тушунча ва номлар натижасида: *мийнет биржасы, фонд биржасы, товар биржасы, исбилермен* ва шу кабилар.

3. Ижтимоий ҳаётда, ишлаб чиқариш, фан, техникада янги тушунчаларни англатадиган терминларнинг пайдо бўлиши орқали: *Халық*

⁴³ Баскаков Н.А. Қарақалпақский язык. Фонетика и морфология. – Москва, 1952. – С. 174-185.

⁴⁴ Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинде сөзлердиң жасалыўы. – Нөкис, 1979.

⁴⁵ Нажимов А. Қарақалпақ тилинде жуп хәм тәкирар сөзлер. – Нөкис, 1979.

⁴⁶ Бекбергенов Қ. Түркий тиллериндеги жуп сөзлердиң изертлениў тарийхынан // ӨзР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2016. - № 4. – Б. 185-189.

демократиялық партиясы, әдебиеттаныў, Ғәрезсизлик байрамы, видеокран, компактдиск, антивирус ва ҳоказо.

4. Рус тилига оид сўзларни калькалаб ўзлаштириш йўли билан: *фотоқағаз, радиоқабыллағыш, телекөрсетиў, телеорай* ва бошқалар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши билан сиёсий, иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар, ишлаб чиқаришдаги тушунчалар, деярли барча соҳалардаги янгиланишлар билан боғлиқ янги қўшма отлар ҳосил бўлди. Чунончи, сўнгги вақтларда қорақалпоқ тилида рус тилига оид сўзларни калькалаш натижасида кўпгина ажратиб ва қўшиб ёзиладиган қўшма отлар ҳамда қисқартма отлар таркиби тўлдирилди. Масалан: *Арал-суў қурылысы, бюджет сиясаты, мамлекетлик емес, коммерциялық емес шөлкем, үлгили турақ жайлар, электрон судлаў, бир айна* ва ҳоказо. Қўшма отларнинг бир кўриниши жуфт сўз шаклида, жуфт отларнинг кўпчилигининг икки компоненти ҳам маъноли сўзлардан иборат эканлиги кузатилади. Масалан: *семинар-тренинг, пикир-усыныс, суд-ҳуқық системасы, коллектор-дренаж, норматив-ҳуқықый ҳужжет* кабилар.

Шунингдек, рус тили ёки бошқа тилларга оид ўзлашмаларнинг жуфтлашиб қўлланилиши тилимиз лексикасида бир қанча янги жуфт отларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади: *Қаржы-смета, қаржы техника* ва шу каби.

Тилимизда ҳар хил соҳалардаги янгиланишлар, олға интилишлар, ўзгаришлар натижасида янги тушунчаларни англатадиган қўшма отлар матбуот саҳифалари, расмий ҳужжатлар, бадий асарлар, публицистика, умуман оғзаки ва ёзма услубда фаол қўлланиши ҳар бир инсоннинг яқка лексик бойлигининг бойишига, луғат таркибнинг кенгайишига ўз ижобий таъсирини ўтказди. Шундай бўлсада, баъзи тил бирликларининг оммавий истеъмолда бўлмаслиги қўшма отларнинг, агар улар ўзлашма сўзларнинг кўп тарзда қўлланилиш жараёнида бўлса, улар ўз тил сўзлари билан алмашилиш заруратини ўз-ўзидан талаб қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ҳозирги қорақалпоқ тилида қўшма отлар компонентларининг муносабатига кўра турлари**» деб номланиб, у икки қисмдан иборат. «**Тобе муносабатли компонентлардан ясалган қўшма отлар**» деб номланган биринчи қисмида ажратиб ёзиладиган қўшма отлар ва қўшиб ёзиладиган қўшма отлар деб гуруҳларга ажратиб ўрганилди.

«Ажратиб ёзиладиган қўшма отлар». Ҳар қандай тилдаги ажратиб ёзиладиган отлар қўшма сўзларнинг катта қисмини ташкил этади. Туркологияда мураккаб сўзлар кенг ўрганилди ва бугунги кунгача бу ном турлича «составли сўз», «лексемалашган турғун сўз бирикмалари», «мураккаб сўз» ва бошқа шаклларда қўлланилиб келинмоқда.

А.Қидирбаев бу типдаги сўзларни «тенг бирикмали қўшма отлар» деб номлайди⁴⁷.

⁴⁷ Қыдырбаев А. Ҳозирги қарақалпоқ тилиндеги атлық сөзлер. – Нөкис, 1961. – Б. 58.

Ажратиб ёзиладиган сўзлар, асосан, ташқи шакли жиҳатидан қўшиб ёзиладиган, жуфт ва такрорий сўзлардан осон ажратилади, лекин эркин ва турғун сўз бирикмаларига ҳам яқин туради.

Қўшма сўз ва сўз бирикмаси – бир-биридан ўзига хосликка эга лингвистик тушунчалардир. Уларнинг лисоний табиати, фарқларини ажратиб кўрсатиш муҳим масалалардан бири. Таниқли олимлар Ф.Ф.Фортунатов⁴⁸, В.В.Виноградов⁴⁹, А.И.Смирницкий⁵⁰, О.С.Ахмановалар⁵¹ сўз бирикмасидан ўзгарувчан маъноли сўзларни тузилиши, унинг компонентлари ўртасида боғлиқлик бўлишини асослаб беради.

Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар сўз бирикмаларидан бир қанча белгилари билан фарқланади.

Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар	Сўз бирикмалари
1. Компонентлари маъно жиҳатдан бирикиб, бир лексик бирликни ташкил этади: <i>Аўыл жигитлери, сөз басы.</i>	Таркибидаги сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан бирикиб, бир синтактик бирликни ташкил этади: <i>аўылдың жигитлери, сөздің басы.</i>
2. Компонентлари маъно жиҳатдан бир-бири билан зич боғлиқ бўлиб, уларнинг орасига сўз қўшиб бўлмайди: <i>соқыр гарры.</i>	Таркибидаги сўзлар анча эркин муносабатли бўлиб, улардан бири бошқа сўз билан ўрин алмашинишга, орасига бошқа сўз қўйиш мумкин: <i>соқыр болган гарры, көзли гарры.</i>
3. Компонентлари узоқ вақтлар давомида ўша таркибда турғун қўлланилганлиги боис улар орасида синтактик алоқа анча сустрлашади, улар лексик бирлик сифатида ажратиб ёзиладиган қўшма сўзга айланади. <i>Тас баўыр, көк бет, қуяш, күн көрис.</i>	Компонентлари турғун эмас, синтактик алоқа аниқ.
4. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар гапда фақат бир бўлак вазифасини бажаради, шу боис ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар компонентларига сўроқ бериб, алоҳида қўллаб бўлмайди: <i>Темир қазық</i> (қандай қозик? дейиш мумкин эмас).	Эркин сўз бирикмасини турли гап бўлақларига ажратиш мумкин. Уларга сўроқ бериш мумкин. <i>Қазық темирден</i> исленген (қозик нимадан қилинган?). <i>Қазық темир</i> – қозик қандай?
5. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар	Сўз бирикмасининг компонентлари

⁴⁸ Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. – Москва, 1956. – С. 100-183.

⁴⁹ Виноградов В.В. Вопросы изучения словосочетаний// Вопросы языкознания. – Москва, 1954. - № 3. – С. 4.

⁵⁰ Смирницкий А.И. К вопросу о слове (Проблема отдельности слова)// Вопросы теории и истории языка. – Москва, 1952. – С. 197-203.

⁵¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – С. 426.

компонентлари аввалдан шаклланган тайёр материал.	фақат сўзлашув жараёнида муносабатга киришади.
6. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўз фақат бир сўз туркумигагина хос бўлади.	Сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар компонентлари ифодаланишига кўра турли сўз туркумларига мансуб бўлади.

Қорақалпоқ тилида сўнги вақтларда пайдо бўлган ажратиб ёзиладиган қўшма отлар олти гуруҳга ажратиб ўрганилган.

1. Ижтимоий-иқтисодий соҳа билан боғлиқ пайдо бўлган ажратиб ёзиладиган терминлар: *Турақ жай фонди, қара базар, пластик карточка, көшпели қабыллау, төлеу терминаллари* ва бошқалар.

2. Тиббиёт соҳаси билан боғлиқ ажратиб ёзиладиган терминлар: *репродуктив саламатлық, қыстаулы медициналық жәрдем, неонатал өлимшилик* ва ҳоказо.

3. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ пайдо бўлган ажратиб ёзиладиган терминлар: *адам саўдасы, апелляция инстанциясы, хожалық процессуал кодекси* каби.

4. Оммавий ахборот воситалари вазифасининг кенгайиши билан боғлиқ янги пайдо бўлган ажратиб ёзиладиган терминлар: *журналистлик интуиция, медиа базар, социаллық тармақ, маълумле ресурс орайы, медиа базар* ва шу кабилар.

5. Алоқа соҳасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ пайдо бўлган ажратиб ёзиладиган терминлар: *уялы телефон, сим карта, факсимильлик байланыс* ва ҳоказо.

6. Таълим соҳасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ пайдо бўлган ажратиб ёзиладиган терминлар: *мәмлекетлик грант, технологиялық карта, күнделикли баҳалау, электрон күнделик* ва бошқалар.

«Қўшиб ёзиладиган қўшма отлар» ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ асос ёки асосларнинг бир қанча вақт бирга қўлланиб, ўзаро зич боғланишидан шаклланади. Қўшиб ёзиладиган қўшма сўз компонентлари маъносидан фарқли равишда янги маънони англатади. Унинг компонентлари дастлабки маъноларини ўзгартириб ёки йўқотган ҳолда бўлади. Шу боис баъзиларининг компонентлари фонетик жиҳатдан ўзгаришларга учраб, олдинги шакллари йўқотади.

Қорақалпоқ тилидаги қўшиб ёзиладиган қўшма сўзларнинг кўп қисми эрта даврларда шаклланган бўлиб, улар ҳозир ҳам ясашиш имкониятига эга. Сўнги пайтларда қорақалпоқ тилида бир қанча қўшиб ёзиладиган янги қўшма отлар пайдо бўлди.

1. Ҳозирги ишлаб чиқариш соҳасида пайдо бўлган қўшиб ёзиладиган қўшма отлар: *исбилермен*.

2. Телекўрсатув, радио ва алоқа соҳаларида пайдо бўлган қўшиб ёзиладиган қўшма отлар: *видеокамера, телеконференция, телерадио*.

3. Янги пайдо бўлган ва қайта тикланган ҳар хил географик номларни ифодаловчи қўшиб ёзиладиган қўшма отлар: *Елабад, Қанлыкөл, Дийқанабад* каби.

4. Олдин рус тилида истемолда бўлган бошқарма, ташкилот номларининг калька усулида қўшиб ёзиладиган қўшма от шаклида қўлланилиши: *Қарақалпақстрой индустрия* (эски номи) – *Қарақалпақ қурылыс индустриясы* (ҳозирги номи), *Аралводстрой* (эски номи) – *Аралсуўқурылысы* (ҳозирги номи) ва бошқалар.

5. Сўнги йилларда тилимизда олдин рус тилидаги шаклида қўлланилиб келган бошқарма, ташкилот номларини билдирадиган қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар қорақалпоқ тилига калька ёрдамида ўзлаштирилиб, қўшиб ёзиладиган қўшма сўз шаклида ёзилиб келинмоқда. Улар компонентлари орасидаги боғлиқлик, ҳатто маъно муносабатлари қорақалпоқ тилида олдин қўлланишда бўлган қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар ясашидан анча фарқ қилади. Шунинг учун уларни қорақалпоқ тилида ҳам ҳали тўлиқ шаклланмаган қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар деб қараш мумкин: *Қарақалпақстройиндустрия* – *Қарақалпаққурылысиндустриясы*, *Аралводстрой* – *Аралсуўқурылысы*, *Қарақалпақсельхозстрой* – *Қарақалпақаўылқурылысы* ва ҳоказо.

1990 йиллардан кейинги даврда тилимизда қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар кўп ясалган бўлиб, улар фаол қўлланила бошлади. Бундай сўзларнинг пайдо бўлишида юртимиздаги ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, бундай сўзлар кейинги вақтларда тилимизда иқтисодий ҳаётнинг ўзгариши билан боғлиқ юзага келди: *Қарақалпақсаўда*, *Қарақалпақдийқанбазары*, *Қарақалпақкөтерибиржасаўда*, *Қарақалпақмрамор*, *Хожелипилле*, *Хожелимай*, *Қарақалпақкитап*, *Некисгөшсүт* ва бошқалар.

Ҳозирги тилда истемолда бўлган қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар тузилишига кўра ҳар хил. Уларнинг асосий турлари қуйидагилар:

1. «От+от» типи. Бундай типдаги сўзларни компонент муносабатига кўра ажратиш мумкин:

а) биринчи компоненти рус тилидан ўзлашган сўзлар: *автосарай*, *телекөрсетиў*, *видеоклип*, *видеокассета*, *радиоеситтириў*, *микрорайон*, *трансшөгара*, *кинофильм* каби;

б) икки компоненти ҳам рус тили орқали ўзлашган қўшиб ёзиладиган қўшма отлар: *электропоезд*, *кинофильм*, *видеокран*, *видеофильм*, *видеоселектор*, *видеоконференция*, *телеконференция*, *аудиоконференция* ва бошқалар;

в) қорақалпоқ тилининг ўз сўзларидан ясалган қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар. Бунга кўпинча сўнги даврда пайдо бўлган ер-сув номлари киради: *Түйемойын*, *Табанкөл* ва шу каби.

2. «Сифат+от» типи. Бу типдаги қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар ҳам ер-сув номларида кўп учрайди: *Көкшийел*, *Алтынсай*, *Қызылқала*, *Қанлыкөл*, *Порлытаў*, *Ақсарай* ва ҳоказо.

3. «Сон+от» типи. Бу тип унчалик унумли эмас, у фақат топонимларда учрайди: *Бесжап, Бестөбе, Үшсай, Төрткүл, Бескөпир* ҳам т.б.

4. «От+феъл» типи: *исбилермен, орынбасар, адабияттануў, радиоеситтириў, өзбекбирлесуў* каби.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисми «Тенг муносабатли компонентлардан ясалган қўшма отлар» деб номланиб, у «Жуфт отлар», «Такрорий отлар» ва «Қисқартма отлар» деб номланган уч қисмдан иборат.

«Жуфт отлар» қисмида жуфт отлар бўйича туркологияда Н.К.Дмитриев, Р.А.Аганин, А.Ҳожиев, С.К.Кенгесбаев, Е.И.Убрятова, А.Қайдаров, Г.Садвақасов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан қисқача шарҳлар берилганлиги қайд этилди.

Н.А.Баскаков⁵² қорақалпоқ тилидаги жуфт сўзларни «қўшма» термини остида ҳар бир сўз туркуми доирасида алоҳида ўрганган. Қорақалпоқ тилидаги жуфт сўзлар ҳақида А.Нажимовнинг⁵³ махсус тадқиқотида кенг сўз юритилиб, у жуфт ва такрорий сўзларни қўшиб биргаликда ўрганган. Отларнинг жуфтлашишида қуйидаги тартибга амал қилинади:

1. «Компонентларининг иккаласи ҳам бир-бирига маъно муносабатида бўлиши, яъни семантик жиҳатдан мувофиқ келиши лозим;

